

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.05.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ЖУМАЕВА ФЕРУЗА УРАЛОВНА**

**ПОЛИСЕМЕМ ЛЕКСЕМАЛАР ДОИРАСИДАГИ СИНОНИМ ВА  
АНТОНИМ СЕМАЛАР ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона– 2018**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)  
on Philological sciences**

**Жумаева Феруза Ураловна**

Полисемем лексемалар доирасидаги синоним ва антоним семалар тадқиқи.....3

**Жумаева Феруза Ураловна**

Исследование синонимических и антонимических сем в рамках полисемемных лексем.....25

**Jumayeva Feruza Uralovna**

The investigation of semes of synonyms and antonyms in the sphere of polysemem lexemes. ....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....51

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.05.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ЖУМАЕВА ФЕРУЗА УРАЛОВНА**

**ПОЛИСЕМЕМ ЛЕКСЕМАЛАР ДОИРАСИДАГИ СИНОНИМ ВА  
АНТОНИМ СЕМАЛАР ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2018**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Fil.483 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Хамидулла Арипович Дадабаев</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Искандарова Шарифа Мадалиевна</b> филология фанлари доктори, профессор <b>Муҳамедова Саодат Худойбердиевна</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси</b> <b>Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти</b>

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_»\_\_\_\_\_2018 йил соат\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел.: манзил бўйича (99873) 244-44-29; факс: (99873) 244-44-91; e-mail: [fardu\\_info@umail.uz](mailto:fardu_info@umail.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел.: манзил бўйича: (99873) 244-44-94.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**М.Х. Ҳакимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д.

**М.Т. Зокиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.н., доцент

**А.Б. Мамажонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида семаларнинг лисоний ва нутқий хусусиятларини лексиканинг асосий қисмини ташкил этувчи полисемем лексемалар доирасида ўрганиш муҳим масалалардан бирига айланди. Семалар ҳақидаги назарияларнинг пайдо бўлиши семасиология, ономасиология каби тил сатҳларидаги ўрганилиши муҳим бўлган айрим бирликлар, хусусан, синоним ва антонимларнинг моҳияти, тавсифи, таснифи, лексик-грамматик бирликларга алоқадорлиги борасидаги масалаларни семантик таҳлил усулларига таянган ҳолда аниқлаш ва ҳал қилишга кенг йўл очди.

Дунё тилшунослигида тил бирликларининг маъно томонини семалар асосида изоҳлаш, уларнинг лингвистик қонуниятларини ишлаб чиқиш ва лингвопоэтик имкониятларини аниқлашга доир бир қатор салмоқли тадқиқотлар олиб борилди. Семантик бирликларни анализ, синтез усулида семаларга ажратиб ўрганиш ва уларни тилнинг бир сатҳига бирлаштириш мақсадга мувофиқ эканлиги исботланди. Синоним, антоним семаларни лексик, грамматик бирликлар доирасида, полисемантик тамойиллар ва лингвистик тадқиқот методлари асосида ўрганиш муҳим муаммо сифатида қўйилди. Бинобарин, шакл ва маъно муносабатига кўра фарқланувчи лисоний бирликларнинг умумий ва хусусий томонларини белгилашда маъно жиҳатдан бир хил ёки зид бўлган семаларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда ўзбек тилини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган вазифаларни бажариш учун тўлиқ имконият ва шарт-шароитлар яратилган, шу масалага бағишланган мақсадли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айни пайтда синоним ва антонимларни лексемалар, семемалар доирасида тадқиқ этиш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Уларни полисемем лексемалар доирасида семалар нуқтаи назаридан ўрганиш, бирлаштирувчи ва фарқловчи жиҳатларини илмий асослаш, лингвистик табиатининг намоён бўлишини аниқлаш, тасниф ва тавсифини келтириш, мавҳум жиҳатларини янгича қарашлар билан бойитишга зарурат сезилмоқда. «Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади»<sup>1</sup>. Тил ҳодисаларига янгича ёндашиш ўзбек тилшунослигининг такомиллашувига асос бўлади. Жумладан, полисемем лексемалар доирасида юзага чиқадиган синоним ва антоним семемаларга семалар нуқтаи назаридан, турли тил фактларига таянган ҳолда ёндашиш барча маънодош ва зид маъноли бирликларга хос муаммоларнинг ечими ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

---

<sup>1</sup>О'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. – Toshkent: O'zbekiston, 2018. –B.21

стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони; 2017 йил 16 февралдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4958-сон Фармони; 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ВМҚ-304-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон тилшунослигида синоним ва антоним ҳодисасини тадқиқ этишда Новиков Л.А., Миллер Е.Н., Бабенко Л.Г., Черняк В.Д., Шумилова А.А., Рымарь С.В., Оганян Н.Б., Корюкина Е.С., Кравцова В.Ю., Чупановская М.Н., Стернин И.А., Саломатина М.С.<sup>1</sup> каби тилшуносларнинг илмий изланишлари алоҳида эътиборга молик.

Ўзбек тилшунослигида Раҳматуллаев Ш., Дадабаев Х., Миртожиев М., Юнусов Р., Искандарова Ш., Мухамедова С., Ҳакимова М., Одилов Ё., Абдуллаева Д.<sup>2</sup> сингари олимлар бу борада тадқиқотлар олиб борган.

Бироқ полисемем лексемалар доирасидаги синоним ва антоним семаларнинг лексик-семантик, морфологик, синтактик жиҳатлари, бирлаштирувчи, фарқловчи белгилари, тил ва нутқдаги аҳамияти монографик

<sup>1</sup>Новиков Л.А. Антонимия в русском языке (семантический анализ противоположности в лексике). – М., 1973; Миллер Е.Н. Природа лексической и фразеологической антонимии. – Саратов: Издательство Саратовского университета, 1990; Бабенко Л.Г. Лексикология русского языка. Учебник. – Екатеринбург. 2008; Черняк В.Д. Синонимия в русском языке. – М.: Издательский центр. Академия, 2010; Шумилова А.А. Синонимия как ментально – языковая категория (на материале лексической и словообразовательной синонимии русского языка) Автореф. ... дисс.канд.филол. наук.- Кемерово, 2009; Рымарь С.В. Лексическая синонимика А.С. Пушкина: качественный и количественный анализ(на материале синонимического словника и рядов с разным числом синонимов) Автореф. дисс. ... канд.филол. наук.– Нижний Новгород, 2008; Оганян Н.Б. Антонимия как признак идиостиля (на материале текстов произведений Дэна Брауна)Дисс...канд. филол. наук. – Ростов-на-Дону, 2017; Корюкина Е.С. Риторические возможности антонимов в современном русском языке. Дисс. ...канд. филол. наук. – Нижний Новгород, 2014; Кравцова В.Ю. Энантисемия лексических и фразеологических единиц: (язык и речь): Дисс. ... канд. филол. наук. – Ростов-на-Дону, 2006; Чупановская М.Н. Репрезентация противоположности в семантике производных антонимов. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Новосибирск, 2007; Стернин И.А., Саломатина М.С. Семантический анализ слова в контексте. Учебное пособие. – Воронеж: Истоки, 2011.

<sup>2</sup>Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили, 1-қисм. –Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2010;Дадабаев Х. “Девону луғотит-турк”нинг тил хусусиятлари. – Тошкент, 2017; Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2010; Юнусов. Р. Полисемия и синонимия имен существительных места в современном узбекском литературном языке. Автореф. дисс. ...канд.филол. наук. – Ташкент, 1974; Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш. (шахс микромайдони) филол. фан. доктори ... дисс. автореф. – Тошкент 1999; Мухамедова С.Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлариФилол.фан.доктори. ... дисс. -Тошкент, 2007; Ҳакимова М. Семасиология. – Тошкент, 2008; Одилов Ё. Ўзбек тилида энантисемия. Докторлик дисс. автореф. –Тошкент, 2016; Абдуллаева Д. Ўзбек тилида антисемия. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. –Тошкент, 2010.

тарзда ўрганилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши Жиззах давлат педагогика институтининг “Филология фанларининг долзарб муаммолари ва уларни амалиётга жорий этишнинг янги педагогик технологиялари” (2009-2014 й.й.) мавзусидаги илмий тадқиқот режасининг таркибий қисми сифатида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** полисемем лексемалар доирасидаги синоним семалар парадигмаси ва антоним семалар муносабатини тадқиқ этиш, лисоний ва нутқий жиҳатлари, лингвистик, лингвопоэтик, сатҳдаги ўрни, тавсифи, таснифи, турлари, пайдо бўлиш хусусиятлари ва омилларини очиб беришдан иборат.

#### **Тадқиқот вазифалари:**

сўз ва лексема, уларнинг ифода, мазмун томонлари, семеманинг семантик таркиби ва семаларнинг типларига доир мулоҳазаларни ўрганиш ҳамда муносабат билдириш, полисемем лексемаларнинг таркибий боғланишини семалар асосида таҳлил этиш, омонимлардан фарқини аниқлаш;

синоним ва антоним семаларнинг турлари, семантик майдондаги ўрнига кўра типларини таҳлил қилиш, лексик-семантик, морфологик, синтактик бирликлар доирасида юзага чиқишини аниқлаш.

синоним ва антоним лексемалар, семемалар ва семаларнинг фарқини аниқлаш, синоним ва антоним семаларнинг лисоний, этимологик, услубий ва лингвопоэтик хусусиятларини очиб бериш;

Антоним лексемаларнинг синоним семаларини, синоним лексемаларнинг антоним семаларини аниқлаш ва бундай семаларнинг омоним, пароним, полисемем лексемалар доирасида юзага чиқишининг лингвистик тамойилларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** синоним ва антоним муносабатидаги лексик бирликлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбек тилининг изоҳли луғати (1981, 2006), Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати (А. Ҳожиев, 1974), Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати (Ш. Раҳматуллаев ва бошқ., 1980) каби манбалардан олинган лексик бирликлар, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов, сингари ўзбек ёзувчиларининг насрий асарларидан йиғилган ашёвий мисоллар ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифлаш, қиёслаш, таснифлаш, компонент, контекстуал таҳлил ҳамда анализ ва синтез методларидан унумли фойдаланилди.

#### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

сўз, лексема, семема, сема ва эманинг ифода, мазмун жиҳатдан фарқли томонлари, тил ва нутқдаги имкониятлари лексик-семантик, морфологик, синтактик омиллар асосида аниқланган;

полисемем лексемаларнинг таркибини ташкил этувчи ҳосила, кўчма, фигурал маъноларнинг фарқли томонлари умумий (боғловчи) ва асословчи

семалар воситасида очиб берилган;

синоним ва антоним семаларнинг воқеланиши лексемалар, семемалар, семалар ҳамда лексик-семемик, лексик-семик бирликлар асосида тадқиқ этилган;

омоним, синоним, антоним, градуоним, гипироним лексемалар доирасида синоним ва антоним семаларнинг юзага чиқиши денотатив, дереват, потенциал, грамматик семаларга таянган ҳолда аниқланган;

полисемем лексемалар доирасидаги синоним ва антоним семаларнинг семема таркибидаги ўрни; релятив, дереват, потенциал семалар таъсирида ҳосил бўлган ядро семасида воқеланиши; тузилиши, туркуми ҳар хил бўлган сўзлар доирасида ҳосил бўлиши; синтактик боғланишлар асосида юзага чиқиши; бадий матндаги имкониятлари семантик тадқиқ усулига таянилган ҳолда очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси.** Полисемем лексемалар доирасидаги синоним ва антоним семаларни тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар ўзбек тилшунослиги учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, лексикология, семасиология, морфология, синтаксис, матн тилшунослиги, стилистикага доир дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган; синоним ва антоним семаларнинг ҳосил бўлишидаги омиллар ва типлари аниқланган; ўзбек тилида лексемаларнинг асосий қисмини полисемем лексемалар ташкил этгани учун ҳам исталган сўзнинг нутқда синоним ва антоним маънода намоён бўлиши ва ифода материали сифатида кенг имкониятларга эга эканлиги ёритилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг қиёслаш, тавсифлаш, компонент таҳлил каби усуллар билан асослангани, синоним ва антоним семаларни изоҳлашда ўзбек тилининг деярли барча бўлимларига таянилгани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг натижалари ва хулосалари ўзбек тилининг лексикология, лексикография, семасиология, ономасиология каби бўлимларига оид назарий қарашларни муайян даражада ривожланишига хизмат қилади. Шунингдек, ушбу ишнинг илмий хулоса ва тадқиқ усули бошқа шундай ишларнинг яратилиши учун туртки бўлади.

Диссертациянинг илмий таҳлил ва материалларидан ўзбек тили семасиологияси, лексикологияси ва стилистикасига доир дарслик ва қўлланмалар яратишда, олий ўқув юртларида маърузалар, махсус курслар ўқишда, амалий машғулотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Полисемем лексемаларнинг воқеланиш тамойиллари, уларнинг омоним лексемалардан фарқланиши ва лексик маъно тараққиётига доир келтирилган диссертация натижалари ва хулосаларидан, диссертация ишида келтирилган *ёлғиз, тор, қўшалоқ, гашик, айём, бўш, том, эшик шер, йўлбарс, қоплон, баланд, осмон, таг-томири, кўпиртирмоқ, иширмоқ, ип, ўтқир, турмоқ, уятли, уятсиз, маҳсул, мева, аёл, оила, оқшом, тун, қора, малак,*



қуйруқ, дум, суюқ, атала, деди-деди, дев, девқомат, арслон, бургут, мард, номард, барно, бўйдоқ, туюдай, игнадай, ўғри, девортешар, тўғри, ниҳол, кўчат, дарахт, қуён, булбул, зог, ёруғ, хазон каби лексемаларнинг синоним ва антоним семалар асосида таҳлил этилишидан ФА-Ф1-Г041 рақамли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 11 сентябрдаги 89-03-3270-сон маълумотномаси). Натижада, тегишли луғавий бирликларнинг маъноларига изоҳ беришда аниқлик киритилган.

Синоним семали полисемем лексемаларнинг бирикма ҳосил қилиши (*Мусичадай беозор одам*), нутқ таркибида уюшиқ бўлақлар ҳолида келиб маънони кучайтириш учун хизмат қилиши (*Тогани [тоганинг суратини] айниқса беш кетадиган қилиб чизибди. Хўп вақтида буюрган эканми. Бўлмаса қуруқдан-қуруқ, сўппайиб кириб боришарди* (М. Мансуров. Ёмби)), сўз бирикмаси ва сўзнинг антоним семаларни ҳосил қилиши (*нархнинг тушиши-арзонлашиши, нархнинг кўтарилиши-қимматлашиши*), антоним семаларга эга бўлган лексемалар мослашувли бирикмани ҳосил қилишига (*кўрмаганнинг кўргани қурсин, тонг қоронғуси, тун ёруғи*) оид олиб борилган таҳлиллардан ОТ-Ф8-062. рақамли фундаментал тадқиқотлар лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 августдаги 89-03-3057-сон маълумотномаси). Натижада, бундай таҳлиллар тил тараққиётининг деривацион қонуниятларига доир назарий умумлашмалар чиқаришга хизмат қилган.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг Жиззах вилояти телевидениеси орқали 2018 йил 15 май куни намойиш этилган “Фан уфқлари” кўрсатувида сўз маъносининг бойишида синоним ва антоним семаларнинг таъсири ва нуқтадаги имкониятлари ҳақидаги маърузасидан фойдаланилган (02-08/567-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувнинг мазмуни янги манбалар билан бойиган ва илмий-оммабоплиги таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, 8 та илмий мақола жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда 17 та тезисда ўз ифодасини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 137 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, унинг республика фан-технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги

кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси баён қилиниб, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Полисемем лексемаларнинг тилшуносликда ўрганилиши”** деб номланган бўлиб, унда сўз ва лексеманинг ифода ва мазмун томонларига доир терминларга изоҳ бериб ўтилади.

Сўз ва лексема тил бирликлари саналади. Ифода (шакл) жихатидан ҳар иккаласи ҳам номлаш вазифасини бажаради. Мазмун (маъно) томонидан фарқланади. Сўз лексик ва грамматик маънони, лексема эса луғавий маънони ўрганиш объекти саналади. Сўз терминидан тилнинг барча сатҳларида фойдаланиш мумкин, аммо лексема термини фақат луғавий маъно ўрганиладиган сатҳларда қўлланилади. Сўз терминини лексема ўрнида қўллаш мумкин, чунки унинг таркибини ташкил этади. Лексема туб ва ясама сўзлардан ташкил топади, грамматик маъно ва шакллардан ҳоли тарзда таҳлил этилгани учун ҳам айнан лексикология ва лексикографиянинг бирлиги саналади. Лексеманинг ифода жихати товушлардан, ҳарфлардан иборат бўлиб, номама термини билан, мазмун жихати эса маъно, мазмун, семема, лексик маъно, луғавий маъно терминлари билан юритилади. Тушунча воситасида сўз маъноси шакллантирилади. Сўз маъноси тил ва нутққа хос, тушунча эса тафаккурга хос ходисадир.

Семема ва маъно бир тушунчанинг икки хил номланишидир. Семема бир неча турларга бўлинади: лексик маънони ифодаловчи семема, грамматик маънони ифодаловчи семема ва ҳ.з. Семалар ҳам таркибий қисмларга ажратилади. “Семанинг таркибий қисми эма ёки субсема деб юритилади”<sup>3</sup>. Семалар қуйидаги турларга бўлинади:

I. Луғавий маънони шакллантирувчи семалар: 1. Деннотатив семалар-лексеманинг луғавий маъносини шакллантиради. 2. Коннотатив семалар – лексеманинг деннотатив маъносининг устига юклатилган қўшимча маъноларни шакллантиради. Улар уч гуруҳга ажралади: баҳоловчи семалар, эмоционал-экспрессив бўёқ ифодаловчи семалар, услубий хосланишни ифодаловчи семалар.

II. Морфемаларнинг маъносини шакллантирувчи семалар: 1. Ядро семалар – етакчи морфеманинг маъносини ташкил этувчи семадир. Унинг таркибини деннотатив, коннотатив, потенциал ва грамматик семалар ташкил этади. Етакчи морфемага қўшимча қўшилганда шу семалардан бири етакчилик қилади. М, *бошлиқ* ясама сўз бўлиб, *у бош* сўзининг потенциал семаси “бошқариш” асосида ҳосил бўлган. 2. Дериват семалар - сўз ясовчи қўшимчаларнинг маъносини шакллантиради. 3. Релятив семалар –шакл ясовчи қўшимчаларнинг маъносини таркиб топтиради.

III. Лексемаларнинг семантик майдондаги ўрнини белгиловчи семалар: 1. Интеграл сема – семема таркибида келиб лексемаларни бир семантик майдонга (бир турга, синфга) мансублигини кўрсатувчи сема саналади. Икки типга

<sup>3</sup> Ҳакимова М. Семасиология. – Тошкент, 2008. – Б. 42.

бўлинади: гиперсема ва гипосема. Гиперсема тур учун умумий бўлган сема, гипосема шу тур таркибини ташкил этувчи гуруҳлар учун умумий бўлган сема саналади. 2. Дифференциал сема – мазмунан бир турга ёки гуруҳга мансуб бўлган семемаларнинг фарқли белгиларини кўрсатувчи сема.

IV. Прагматик маънода шаклландувчи сема – потенциал сема саналади. Потенциал семанинг ҳосил бўлиши учун нутқий вазият, субъектив муносабат ва муайян тушунчаларнинг таъсири асос бўлади. *М., Эй, эркакмисан?* Жумаласида “субутли”, “виждонли” семалари юзага чиқади. Ушбу семалар *эркак* лексемасининг луғавий маъносини шакллантирмайди. У билан боғлиқ тушунчаларни акс эттиради. Шу сабаб прагматик маънони ҳосил қилади.

V. Грамматик маъно ҳосил қилувчи сема – грамматик сема (граммема) саналади. Қуйидаги турларга ажралади: а) туркумлиқ семаси – лексеманинг қайси сўз туркумига мансублигини ифодаловчи сема; б) категориал сема – синтактик шакл ясовчи қўшимчаларнинг маъносида ифодаланадиган сема; в) нокатегориал сема – луғавий шакл ясовчи қўшимчалар ифодаляйдиган сема; г) сиртки сема – ёрдамчи сўзларнинг маъносини ташкил этувчи сема; д) лексик-грамматик сема – семемалар таркибида такрорланувчи ва лексемаларни бир туркумга бирлаштирувчи сема. *М., олма “ейдиган нарса”, сув “ичадиган нарса”, гул “ўсадиган нарса”.* “Нарса” семаси бу сўзларни от туркумига бирлаштиради.

VI. Синтактик муносабатни ҳосил қилувчи сема классема (синтагмема) деб юритилади. У тобе-ҳоким боғланишлардаги икки лексема учун умумий бўлган сема саналади.

Бундай семалар семемаларнинг ҳосил бўлиши, уларнинг мазмунан яқинлиги ёки фарқланишини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, полисемем ва омоним лексемаларни фарқлашда иштирок этади.

Полисемем лексема шаклан бир хил, маъноси бир - бирига яқин бўлган битта лексема, омонимлар эса шаклан бир хил, маъноси ҳар хил бўлган бирдан ортиқ лексемалар саналади. Омонимлар моносемем ёки полисемем лексемалардан ташкил топади.

Полисемем лексемалар бир туркум ёки турли туркумга хос маъно ифодаловчи семемалардан таркиб топади. Омонимлар эса бир туркум ёки турли туркум доирасидаги лексемалардан иборат бўлади. Семема тил ва нутқ бирилиги, лексема эса тил бирлиги саналади.

Полисемем лексемалар бир хил маънодаги шакл ясовчи қўшимчаларни олади. Омонимлар эса камдан кам ҳолатларда бир хил грамматик шаклга эга бўлади.

Омоним сўзлар турли синонимик ва антонимик қаторларга мансуб бўлади. Бу синоним ва антонимлар ўртасида ҳеч қандай алоқа бўлмайди. Баъзи полисемантик сўзларнинг синонимлари ўртасида маълум бир боғланишлар мавжуд бўлади.

Шунингдек, полисемем лексемалар полифункционал сўзлардан фарқланади. Бир сўзнинг турли маънода келиши полисемантик сўзлар, турли вазифада келиши эса полифункционал сўзларни юзага келтиради.

Кўп маъноли сўзларнинг таркиби қуйидаги турларга бўлинади:

I. Сўз маъносининг нутқда воқеланишига кўра: 1.Тўғри маъно, кўчма маъно. 2. Бош маъно, ҳосила маъно. 3. Номинатив маъно, фигурал маъно. 4. Нейтрал маъно, коннотатив маъно.

II. Сўз маъносининг синтактик боғланишлар асосида ҳосил бўлишига кўра турлари: эркин маъно ва боғли маъно<sup>4</sup>. Боғлиқ маъно учга бўлинади (фразеологик боғлиқ маъно, синтактик боғлиқ маъно, конструктив боғлиқ маъно).

III. Прагматик категориялар орқали белгиланадиган маънолар: 1. Оқказионал маъно. 2. Контекстуал маъно.

Мисол тариқасида *сел* полисемем лексемасини келтириб ўтамиз:

1. Шиддатли кучли ёғин, жала. *Баҳорда қаттиқ сел ёғиб, дала бетини қатқалоқ қоплади.* (Газетадан). 2. Шиддатли ёмғирдан, жаладан, қор эришидан ҳосил бўладиган лой-сув оқими. *Сел ювиб кетган ёки ёзнинг қаттиқ гирдоблари ялаган тақир ерларнинг майда тошлари оёқ остида гичирлайди.* (С. Айний “Қуллар”). 3. Гўштнинг суви, қони. *Сели билан қовурилган жигар. 4.кўчма. Куёшнинг кучли ҳарорати, куёш нури оқими. Осмон безубор, тиниқ офтоб сели гўдак кулгусидай ёқимтой эди.* (О. Ёқубов “Кўҳна дунё”). 5. кўчма Бирон-бир воқеа-ҳодисанинг, жараённинг кучли, кўпайган ҳолати, оқими. *Элмурод шундай ўйлар селида зарқ бўлиб, уйқуси қочди.* (Шуҳрат “Шинелли йиллар”). “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”<sup>5</sup>да келтирилган ушбу маъноларнинг биринчиси бош маъно саналади. Иккинчи маъно биринчисига нисбатан ҳосила маъно, учинчисига нисбатан нисбий бош маъно саналади. Учинчи маъно ҳосила маъно ҳисобланади. Тўртинчи маъно – кўчма маъно. Бешинчи маъно фигурал маъно саналади. Бош маъно ёки бошқа маънолардан ўсиб чиққан бўлиб умумий семалар асосида боғланиб турган ва маъно кўчириш воситаларига асосланмайдиган маъно ҳосила маъно саналади. Метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик, киноя каби маъно кўчиш турлари асосида ҳосил бўлган маъно – *кўчма маъно* саналади. Маъно кўчиш турлари (метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик, киноя) мажозий образларга таянса *фигурал маъно* (мажозий маъно, кўчма маъно ҳам дейилади) ҳосил бўлади. Фигурал маънодан бадий услубда кенг фойдаланилади. Улар, асосан, номлашга эмас, тасвирни бойитишга, тасаввурни кенгайтиришга хизмат қилади. Бош маъно денотатив ва коннотатив семалардан иборат бўлади. Ҳосила маъно денотатив, коннотатив ва умумий (боғловчи) семаларга эга бўлади. Кўчма, фигурал маъно денотатив, коннотатив ва асословчи семалардан иборат бўлади. Боғловчи сема икки маъно учун умумий бўлган, асословчи сема эса номеманинг семемага нима асосида кўчирилгани (бириктирилгани)ни ифодаладиган сема саналади.

Полисемем лексемаларнинг мазмун жиҳатдан кенгайтишига, асосан, кўчма ва фигурал маъноли сўзларнинг ҳосил бўлиши сабаб бўлади. Кўчма ва фигурал маъно лексик-семантик, морфологик ва синтактик омиллар асосида ҳосил бўлади. Лексик-семантик жиҳатдан маъно кўчириш турларига асосланади.

<sup>4</sup> Миртожиев М.М. Ўзбек тили семасиологияси. –Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2010. – Б.150.

<sup>5</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд. 2007. – Б. 476.

Метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик, киноя кабиларга асосланиб турли лексик маънолар ҳосил бўлади. Морфологик жиҳат кенгайиши кўпроқ сўз ясаши билан боғлиқ бўлади. Сўз яшаш орқали бир лексеманинг семалари асосида полисемем лексемалар ҳосил бўлади. Баъзан полисемем лексемалардан ясалган сўзлар ҳам асосига мувофиқ тарзда полисемияни юзага келтиради. Синтактик жиҳатдан қаралганда, сўзларнинг турли вазифада келиши ва эллипсис ҳодисаси боис кўчма маънонинг ҳосил бўлишини кузатиш мумкин. М., *тош каби қаттиқ қурт, тош қурт*.

Ишнинг **“Полисемем лексемалардаги синоним семалар парадигмаси”** деб номланган иккинчи бобида синоним семаларнинг лексик-семантик бирликлар доирасида юзага чиқиши, турлари, семантик майдондаги ўрнига кўра типлари, морфологик, синтактик ва услубий хусусиятлари тадқиқ этилади.

Синонимлар семантик синонимлар (синоним семемалар, синоним семалар), лексик-семантик синонимлар (лексик-семемик ва лексик-семик синонимлар), прагматик синонимлар (оказионал ва контекстуал синонимлар) каби турларга бўлинади. Синоним семемалар – полисемем лексемаларнинг маънолари доирасида (бош маънодан ташқари) юзага чиқади: *тили шакар, тили ширин*. Синоним семалар – семеманинг айрим семарида кузатилади. Бундай синонимларда доминанта бўлмайди. М., *ҳисоб, чўнтак* лексемалари “пул”, “маблағ” каби синоним семаларга эга. Лексик-семемик синонимлар лексема ва семема доирасидаги маънодошлик саналади. Лексик-семик синонимлар лексема ва сема доирасида юзага чиқади. М., *мусичадай беозор одам* бирикмасида *мусича* ва *беозор* лексемалари лексик-семик синоним бўлади. *Мусичадай одам* бирикмасида *мусича* лексемаси “беозор” семасини ифодалайди. Оказионал синонимлар – муайян шахс нутқида хос бўлиб, гап таркибидагина ҳосил бўлади. М., *Аслида, бўлиб ўтган воқеа аҳамиятсиз бир гап эди. Бироқ уни шишириб, кўпиртириб юбориш мумкин. (С. Аҳмад Ҳукм) Шиширмоқ ва кўпиртирмоқ* лексемалари “бўрттирмоқ”, “муболаға қилмоқ” синоним семаларга эга. Контекстуал синонимлар маълум бир контекстда пайдо бўлади. Бундай синонимлар кўпинча полисемем лексемаларнинг семема ва семалар асосида ҳосил бўлади.

Полисемем лексемаларнинг бош маънолари доирасида синоним лексемалар, бошқа маъноларида эса синоним семемалар юзага чиқади. Синоним семемалар қуйидаги турларга бўлинади:

1. Тўлиқ синоним семемалар полисемем лексемаларнинг ҳосила ва кўчма маънолари доирасида кузатилади. М., *қўш байрам, қўшалоқ байрам*. Тўлиқ синоним семемаларни алмаштириб қўллаш мумкин бўлади.

2. Нотўлиқ синоним семемаларни алмаштириб қўллаб бўлмайди. Маънода ўзгариш сезилади: *аччиқ гап, заҳар гап*.

3. Услубий синоним семемалар нутқда қўлланиш услубига кўра фарқланиб туради. *Айём* лексемаси бадий ва публицистик услубларга хосланган, унга синоним бўлган *кун, байрам, фасл, вақт* лексемалари эса услубий бетараф саналади.

4. Грамматик синоним семемалар грамматик семалар асосида юзага

чиқади. М., *керик-керилган* лексемалари кўчма маъноларида “ўзига бино кўйган”, “талтайган” каби синоним семемаларга эга: *керик хотин, керилган хотин*. Синоним семалар кўшимчалар таъсирида ҳосил бўлган.

Синоним семемалар ёки синоним семаларга эга бўлган айрим полисемем лексемалар баъзан бош маъносида синонимик қаторни ҳосил қилмайди. М., *бемаъни одам, бемаза одам*. Синоним семемалар полисемем лексемаларнинг бош маъно, ҳосила маъно, бош ва кўчма маъно, кўчма маънолар доирасида ҳосил бўлади. Шунингдек, фигурал маъносида: *уйинчоқ, қўғирчоқ* (“бировнинг хоҳишини бажарувчи”, “итоатгўй” каби синоним семаларга эга); синтактик боғлиқ маъносида: *нархи баланд, нархи осмонда*; конструктив боғлиқ маъносида кузатилади. М., *Илоё, таг-томири билан қуриб кетсин бу газандалар!* (И. Раҳим. Чин муҳаббат). *Зарарли иллатларни таг-туби билан йўқотмоқ. Таг-томири билан, таг-туби билан* лексемалари синоним семаларга эга.

Полисемем лексеманинг таркибидаги ҳар бир семема турли лексемалар билан синонимлик ҳосил қилади ва лексик-семемик синонимлар пайдо бўлади. М., Ўзбек тилининг изоҳли луғатида<sup>6</sup> *ип* лексемасининг бешта семемаси келтирилган бўлиб, шу семемаларида *тола, бог, тор, ришта, йўл* лексемалари билан синоним бўлади. Бир полисемем лексема барча семемаларида бошқа полисемем лексеманинг айрим семемалари билан синоним бўлади. Шунингдек, икки полисемем лексема барча семемаларида ўзаро синоним бўлади. Демак, синонимия лексемалар, семемалар, семалар доирасида кузатилади. Синоним лексемалар таркибидаги денотатив ҳамда туркумлик семалари бир хил бўлади. Синоним семемалар ва семаларга эга бўлган полисемем лексемаларда эса денотатив семаларда муштараклик кузатилади, туркумлик семаси эса бир хил ёки ҳар хил бўлади. М., *кўр, кўрлик* лексемалари барча маъноларида синоним денотатив семаларни юзага чиқаради. Бош маъносида “кўриш қобилиятининг йўқлиги” семасига, кўчма маъносида “нарса, воқеа, ҳодиса ва ш.к. нинг моҳиятини тушунмаслик” семасига эга. Лексик-грамматик ва туркумлик семалари бир хил бўлмагани боис бу жуфтликлар синоним лексемалар саналмайди. Синоним семали лексемалар саналади.

Синоним семалар қуйидаги турларга бўлинади:

1. Синоним денотатив семалар – лексема ёки семемаларнинг денотатив семаларидаги маънодошлик асосида юзага чиқади.

2. Синоним коннотатив семалар – лексема, семема ва кўшимчаларнинг маъноларида кузатилади. М., *ақилламоқ, ваққилламоқ* лексемалар “гапирмоқ”, “вайсамоқ”, “валдирамоқ” каби синоним денотатив семаларга ва салбий бўёк ифодалашига кўра синоним коннотатив семаларга эга.

3. Синоним ядро семалар – ясама сўзларнинг асос қисмига хос маъноларда кузатилади. Бундай сўзлар бир хил ёки ҳар хил ясовчи кўшимчаларга эга бўлади. М., *соғлик, саломатлик; кучли, бақувват*.

4. Синоним дериват семалар – сўз ясовчи кўшимчаларнинг маъноларида

<sup>6</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-жилд. 2006. – Б. 222.

кузатилади. М., *одобли, баодоб.*

5. Синоним релятив семалар – шакл ясовчи кўшимчаларнинг доирасида юзага чиқади: *керилмоқ, керишмоқ. Керилма гоз – хунаринг оз (Мақол;) Бекор керишганлар аҳмоқ бўлади. (Алпомиш).*

6. Синоним потенциал семалар – лексемалар ёки семемаларнинг таркибида кузатилади. М., *аёл ва оила* лексемалари синоним эмас, аммо “хотин”, “рафика” каби потенциал семаларга эга. Бу семалар лексемаларга эгалик кўшимчалари кўшилганда ойдинлашади.

7. Синоним граммема (грамматик сема)лар – грамматик маънода ифодаланадиган семалар. М., *акадан бериб юбордим, машинада келдим.* “орқали”, “воситасида” каби синоним граммемага эга. Ушбу келишиклар категориал синонимлар саналади.

8. Синоним сиртки семалар – ёрдамчи сўз туркумларининг маъноларида юзага чиқади. М., *ўқигани учун, ўқигани сабабли.*

9. Синоним классема – сўз бирикмаларининг маънодошлигида ифода топади. М., *оқшом, қоронғилик, тун* каби лексемаларининг семемаси таркибида “қоронғи”, “зулмат” семалари мавжуд. *Оқшомнинг қоронғулиги ва тун қоронғиси,* бирикмалари “зулмат”, “қоронғи” каби синоним классема эга.

Полисемем лексемаларнинг синонимлиги қуйидаги семалараро юзага келади: а) ядро ва дериват семаларнинг синонимлиги: *бош тезлик, бошланғич тезлик;* б) ядро ва релятив семалар доирасида: *аввалги йўталишлари қолди. Юришга мадор қолмади* бирикмаларидаги *қолди, қолмади* лексемалари “йўқ” семасини ифодалайди. Шунингдек, *кечқурун, тунда; эрталаб, тонгда* каби лексемалар доирасида кузатилади. Одатда, бир туркумга мансуб сўзларда синоним семалар юзага чиққанда келишик кўшимчаларини ажратиб бўлмайди: *яна кучаймоқ, янада кучаймоқ; тез келмоқ, тезда келмоқ;* в) дериват ва релятив семалар доирасида: *кулги, кулиш. М., Анвар кулди. Аммо бу кулиш бояги кулгиларидан тамоман бошқа, яъни беихтиёрлик кулгиси эди. (А. Қодирий. Мехробдан чаён);* г) релятив ва сиртки семаларнинг синонимлиги: *қаламда чизди, қалам билан чизди;* д) ядро, дериват, релятив семалар доирасида: *тўл(моқ), тўла, тўлгин, тўлиш(моқ), тўлишган,* каби полисемем лексемалар кўчма маъносида “семиз”, “семирган” синоним семаларига эга; е) ядро, дериват, дериват семаларнинг синонимлиги: *ваҳм гаплар, ваҳима гаплар, ваҳимали гаплар.* Полисемем лексеманинг қайси маъносида ясама сўз ҳосил бўлса, ўша маъноси билан синонимик қаторларни юзага чиқаради. М., *очиқ гаплашиб олдик, очиқча гаплашиб олдик, очиқчасига гаплашиб олдик.*

Лексема таркибидаги семаларнинг бирининг бошқасига кўчиши натижасида синоним семалар ҳосил бўлади. Релятив сема ядро семага кўчади: *асл, асли, аслида. М., Асли ўсган ерим менинг Кўйистон. (Маликаи айёр).* Асл лексемасини қўллаш мумкин. *Қарови биздан бўлгани билан ... мол асли Жовливойники. (Н. Норқобилов Тўкнашув).* Аслида лексемаси билан алмаштириш мумкин ва ҳ.з.

Полисемем лексемаларнинг кўчма маънолари доирасида семема билан семеманинг синонимлиги, шунингдек, ушбу семемаларнинг таркибидаги

семаларнинг синонимлиги кузатилади. М., *малак* лексемаси “гўзал аёл” семемаси ҳамда семема таркибидаги “гўзал” ва “аёл” семасига кўрагул лексемаси билан синоним бўлади.

Бир семема таркибидаги семаларига кўра бошқа-бошқа лексемалар билан синоним бўлади. М., *гул* лексемаси кўчма маънода “гўзал”, “аёл”, “сараси” каби потенциал семаларга эга. “Гўзал” семасида *гулбарг*, *гулгун* лексемалари билан, “аёл” семасида *гулёр* лексемаси билан, “сараси” семасида эса *гултож*, *поишахон*, *қаймоқ* лексемалари билан синоним бўлади.

Полисемем лексеманинг семемаси қайси семемага синоним бўлса, унинг антоними билан антоним бўлади. М., *юмишқоқ жазо*, *енгил жазо- оғир жазо*. Синоним семалар антонимлар доирасида кузатилади. М., *турмоқ*, *ўтирмоқ* антонимлари “истиқомат қилмоқ”, “яшамок” синоним семаларини ифодалайди. *Кирмоқ*, *чиқмоқ* лексемалари ҳам *отам олтмишга кирди*. *Ёшим қирққа чиқди* гапларида синоним семаларга эга. Аффикс антонимлар синоним семаларни юзага келтиради. М., *уят гаплар*, *уятли гаплар*, *уятсиз гаплар*. Синоним семалар градуонимик қаторларда кузатилади. М., *жувон*, *хотин*, *камтир* лексемалари “турмуш ўртоқ”, “рафика” синоним семаларига эга. Синоним семалар кенг кўламли ҳодиса бўлиб, у синоним бўлмаган лексик бирликлари доирасида ҳам кузатилади. Шу боис бир туркум ёки турли туркумга мансуб бўлган сўзларда кузатилади. М., *қўйруқ ва дум* (от) лексемалари кўчма маънода қўлланганда синоним семаларга эга. 1. *Соли совуқ ўз қўйругига буюрди: Жуманбой, настдан палос олиб боринг, чопинг* (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). 2. *Дум эмиш, хўжа келиб менга дум бўлсин* (А. Қаҳҳор. Кўшчинор чироқлари). Бир лексема турли туркумга хос маъно ифодаловчи семаларга эга бўлади. Шунга кўра турли туркум лексемалари билан синоним бўлади. Бир лексема битта гап таркибида икки хил семани ифодалайди: *Саратон чилласининг ҳар бир кун тандирдан янги узилган нондек бозиллайди*. (“Саодат”). *Бозилламоқ* лексемаси феъл ва сифат туркумига мансуб бўлган “исийди” ва “иссиқ” семаларини ифодалайди.

Хуллас, бир туркумга мансуб полисемем лексемаларнинг маънодошлиги синоним лексемалар ва семемалар, баъзан синоним семали лексемалар асосида юзага чиқади. Бундай синонимик қаторларнинг денотатив, лексик-грамматик ва туркумлик семалари синоним, бошқа семалари эса бир хил ёки фарқли бўлади. Турли туркумга мансуб лексемаларнинг синонимлиги, асосан, кўчма, фигурал, окказионал, контекстуал ва синтактик боғлиқ маънолар асосида пайдо бўлади. М., *латта йигит*, *лаллайган йигит* (кўчма маъно). Турли туркумга мансуб полисемем лексемаларнинг синоним бўлишида лексик-грамматик семаларнинг ўзгариши, лексемаларнинг турли синтактик вазифада келиши, яъни синтактик боғли маъно ифодаланиши асос бўлади. Шунингдек, кўмакчи морфемаларнинг ҳам таъсири бор. Маълумки, сўз таркиби морфемалардан иборат. Сўзнинг морфемик жиҳатдан ўзгариши семемага таъсир кўрсатади. Синоним семалар морфемик жиҳатдан бир хил қўшимчали полисемем лексемаларда: *вайсақи одам*, *сайроқи одам*; асоси ҳам қўшимчалари ҳам турлича бўлган ясама сўзлар доирасида: *сўниқ овоз*, *сўлгин овоз*; бир нечта



асосдош полисемем лексемалар доирасида юзага чиқади: *лўттибоз*, *лўттибозлик*, *масхарабоз*, *масхарабозлик*. Бу лексемалар кўчма маъноларида “фирибгар”, “ҳийлагар”, “алдоқчи”, “найрангбоз” каби синоним семаларга эга бўлади.

Сўз ясаши бўйича синонимия туб ва ясама сўзлар доирасида кузатилади: *бош тезлик*, *бошлангич тезлик*. Ясама сўзнинг ясашиш асоси билан синонимлиги кузатилади: *ямоқ*, *ямоқли* (ясашиш асоси ясама); *мангу қуёшим*, *мангулик қуёшим* (ясашиш асоси туб). Қуйидаги усулларда сўз яшаш орқали синоним семалар пайдо бўлади: сўз ясовчи қўшимчалар қўшиш усули билан ясалган сўзлар ва туб сўзлар доирасида кузатилади: *қуриган –қуруқ*. Айрим синонимик қаторларда туб сўзларнинг ядро семаси ясама сўзларнинг ядро ва дериват семаларига тенг келади. М., *суқсур қиз*, *суқсурдай қиз*. Баъзи туб ва ясама сўзлар релятив ва дериват семаларининг синонимлиги асосида юзага чиқади. М., *чирик-чириган*. Шунингдек, синонимия туб ва композиция усулида ясалган сўзлар доирасида: *арслон*, *арслонюрак*; такрор қўллаш билан ясалган сўзлар доирасида: *даста-даста*, *тоғ-тоғ*, *қат-қат*, *ғиж-ғиж*; жуфтлаш усули билан ясалган сўзларда кузатилади: *борди –келди*, *бориш-келиш*, *келди-кетди*, *кирди-чиқди*. Демак, синоним семалар сўзларнинг тузилиш жиҳатдан барча турларида мавжуд бўлади. М., содда ва такрорий сўзлар доирасида: *сўз*, *деди-деди* полисемем лексемалари “иғво”, “овоза” каби синоним семаларга эга. *Эл бор ерда сўз бор* (Мақол); *деди-деди гаплар*. Шунингдек, содда ва жуфт сўзлар доирасида: *вазмин одам*, *огир-босиқ одам*; содда ва қўшма сўзлар доирасида: *дев одам*, *девқомат одам*; жуфт сўзлар доирасида: *ола-қуроқ сўзлар*, *узуқ-юлуқ сўзлар*, *чала-чулна сўзлар*; такрорий сўзлар доирасида: *тур-тур мато*, *хилма-хил матолар*; қўшма сўзлар доирасида кузатилади: *шерюрак*, *шербачча*, *шерзод* лексемалари “кўркмас”, “ботир”, “довюрак” каби синоним семаларга эга.

Хуллас, полисемем лексемалар доирасидаги синоним семалар морфологик сатҳдаги барча тил бирликларида кузатилади.

Лексик синонимлар тил бирлиги, синоним семема ва семалар тилда мавжуд имкониятлар асосида юзага чиққан нутқ бирликларидир. М., *айёр*, *ҳийлагар* лексик синонимлар, *тулки*, *шайтон* синоним семемалардир. Нутқда қўлланишига кўра синоним семемалар фаол. М., *айёр*, *тулки*, *туллак*, *шайтон*. Синоним семаларга эга бўлган полисемем лексемалар эса нофаолдир. М., *шер*, *арслон*, *бургут* полисемем лексемаларининг “ботир”, “мард” синоним семаларни ифодалашини нутқда нофаолдир. Синоним лексемалар ва семемалар синонимик қаторни ҳосил қилади. Синоним семали полисемем лексемалар эса ҳосил қилмайди. Одатда, синоним семемалар контекстуал синонимларни, синоним семали полисемем лексемалар эса окказионал синонимларни юзага чиқаради. Синоним семемалар доминантага эга бўлади. Синоним семаларга эга бўлган полисемем лексемалар эса доминантага эга бўлмайди. Синонимик қатордаги доминанта шу қатордаги бошқа лексемаларнинг семемаси таркибида сема бўлиб келади. Агар доминанта тўғри маънода қўлланган бўлса, синонимларнинг маънодошлиги ҳам шундай сема билан ифодаланади. М., *айёр одам*, *тулки одам*, *туллак одам* бирикмаларида *айёр* лексемаси доминанта

бўлиб, тўғри маънода қўлланган. *Тулки, туллак* лексемалари “айёр” семасини ифодалайди. Агар доминанта кўчма маъноли сўз билан ифодаланган бўлса, синонимик қатордаги бошқа лексемаларнинг семаси ҳам кўчма маъноли сўз билан англашилади: *зеҳни ўткир, зеҳни қилич, зеҳни шамшир* бирикмаларидаги *ўткир* лексемаси доминанта бўлиб, кўчма маънода қўлланган. *Шамшир, қилич* лексемалари “ўткир” семасига эга. Синоним семали полисемем лексемалар коннотатив сема (баҳоловчи семалар, эмоционал-экспрессив бўёқ ифодаловчи семалар, услубий хосланишни ифодаловчи семалар)ларига кўра фарқланади ёки бирлаштирилади. Баҳоловчи семаларни тақлид сўзлардан ҳосил бўлган ясама сўзларда кўплаб кузатиш мумкин. М., *акилдоқ, акилламоқ*. Бундай лексемалар, асосан, сўзлашув услубида қўлланилади. Айрим лексемалар фақат кўчма маъно ифодалаганда салбий баҳо семаси воқеланади. М., *бурун, тумшуқ*. Ҳайвон номи билан келган кўчма маъноли сўзларда коннотатив бўёқ кучли даражада ифодаланади. М., *мол одам, эшак одам*.

Услубий хосланган синоним семемалар асосан, сўзлашув, бадий ва публицистик услубга хос бўлади. Айрим синонимлар бир услубга хосланган бўлса-да, бир сўзга тобеланмайди. М., *йигитларнинг гули, ҳайвонларнинг шоҳи* бирикмаларида *гул, шоҳ* лексемалари “сараси”, “энг яхшиси” каби синоним семаларни ифодалайди, аммо *ҳайвонларнинг гули* деб бўлмайди. Синоним семали полисемем лексемалар нутқ таркибида уюшиқ бўлақлар ҳолида келиб маънони кучайтириш учун хизмат қилади. М., *сўппайиб, қуруқдан-қуруқ* полисемем лексемалари сўзлашув услубида қўлланилиб, “ҳеч нарчасиз” семасини ифодалайди. *Тогани [тоганинг суратини] айниқса беш кетадиган қилиб чизибди. Хўп вақтида буюрган эканми. Бўлмаса қуруқдан-қуруқ, сўппайиб кириб боришарди* (М. Мансуров. Ёмби). Синоним семемалар ва семаларнинг юзага чиқишида коннотатив семалар ва синтактик боғланишлар ҳам асосий ўрин тутди.

Ишнинг учинчи боби “**Полисемем лексемалардаги антоним семалар муносабати**” деб номланади. Антонимлар қуйидаги турларга ажратиб ўрганилади: 1. Лексик антонимлар. 2. Аффикс антонимлар. 3. Фразиологик антонимлар. 4. Семантик антонимлар (антоним семемалар, антоним семалар) 5. Лексик-семантик антонимлар (лексик-семемик антонимлар, лексик-семик антонимлар) 6. Прагматик антонимлар (оқказионал антонимлар, контекстуал антонимлар). 7. Зид маъноли кўшимчалар. 8. Зид маъноли сўзлар.

Моносемем лексемалар ёки полисемем лексемаларнинг бош маънолари доирасида ҳосил бўлган зид маънолилик лексик антонимларни ҳосил қилади. Полисемем лексемаларнинг бош маъносида ташқари барча маъноларидаги зидлик антоним семемаларни, семемаларнинг муайян семаларидаги зидлик антоним семаларни пайдо қилади. Нутқда воқеланишига кўра антоним семемалар фаол, антоним семалар эса нофаолдир. Лексема ва семеманинг зидланиши лексик-семемик антоним, лексема ва семанинг зидланиши эса лексик-семик антоним саналади. Лексик антонимларни алмаштириб қўллаганда маъноси қарама-қарши томонга ўзгаради, шунинг учун тўлиқ антонимлардир. М., *катта-кичик*. Лексик-семемик, лексик-семик антонимлар ҳамда антоним

семема ва семалар нотўлик антонимлар саналади. М., *баҳор-куз*.

Лексик антонимларда оралик тушунча ёки зидланувчи асос бўлади. Антоним семемалар ва семаларни таҳлил этишда “оралиқ тушунча”, “мантиқий марказ” каби меъзонлар асос бўлмайди, чунки бундай антонимлар айрим нутқ вазиятида муайян семаларига кўра зидланади. М., *ёз-қиш* лексемалари потенциал семалари (“иссиқ”, “совуқ”)да антоним бўлади.

Антоним денотатив семаларга ёки инкор мазмунидаги семаларга эга бўлган жуфтликлар лексик антоним саналади. Тасдиқ-инкор, бўлишли-бўлишсизлик муносабати лексемаларда акс этса, антоним бўлмайди. М., *борди-бормади*. Семалар (асосан, денотатив семалар)да ифода топса, лексик антонимлар саналади.

